

bobo, Norinjon bobo yodgorliklari mavjud bo'lib, ular turistlar diqqat markazida bo'lgan muhim markazlar hisoblanadi. Bu yerdagi mavjud turistik resurslar nafaqat mahalliy, balki xorijiy mamlakatlar sayyohlarini ham qiziqtirishi mumkin. Ammo, hozirda bunday imkoniyatlardan foydalanish talab darajasida emas [5:6-93].

Ijtimoiy sohalar inson hayot faoliyati bilan birlamchi darajada bog'langanligi barobarida, ular mamlakat, mintaqalar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanganlik darajasini aks ettiruvchi, aholining kundalik hayoti uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Qoraqalpog'iston hududida aholi juda notekis joylashgan, uning asosiy qismi Amudaryo deltasida, dehqonchilik maqsadida foydalaniladigan yerlarda o'rnatilgan. Respublikaning katta qismini egallab yotgan Ustyurt platosi, Qizilqum cho'li va Orol dengizining qirgan qismi – Orolqum cho'lida esa deyarli doimiy aholi manzilgohlari mavjud emas. Ushbu hududda aholi faqatgina magistral temir yo'l va qazilma konlariga yaqin shaharchalarda, shuningdek, qisman cho'llarda mavsumiy chorvadorlar yashaydi. Shu bois Qoraqalpog'iston Respublikasida ijtimoiy soharlarni tabiiy sharoitga mos va xos holda hududiy tashkil etish talab qilinadi.

Adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. 464-б.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi Farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2022–2026-yillarda Qoraqalpog'iston Respublikasi hududlarini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va aholi turmush darajasini yanada yaxshilashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Qarori.
4. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Тошкент: Университет, 2014. 404-б.
5. Курбанов Ш.Б. Ўзбекистон қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий географияси. Монография. – Т.: «Мумтоз сўз», 2019. 226-б.
6. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. // и.ф.д.А.М.Содиқовнинг умумий таҳрири остида. -Тошкент: IFMR, 2013. 252-б.
7. www.stat.uz

РЕЗЮМЕ. Maqolada Qoraqalpog'iston Respublikasida xizmat ko'rsatish sohalarining hududiy tashkil etilishi ko'rib chiqilgan. Statistik ma'lumotlar asosida aholiga pullik xizmatlar ko'rsatish, chakana savdo, ta'lim va sog'liqni saqlash tizimlari, shuningdek, aholini toza ichimlik suvi, elektr energiyasi va tabiiy gaz bilan ta'minlash ko'rsatkichlari tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается территориальная структура сферы обслуживания в Республике Каракалпакстан. На основе статистических данных проанализированы показатели платных услуг, розничной торговли, системы образования и здравоохранения, а также обеспечение населения чистой питьевой водой, электро-энергией и природным газом.

SUMMARY. The article examines the territorial structure of the service sector in the Republic of Karakalpakstan. Based on statistical data were analyzed the indicators of paid services, retail trade, education and health care systems, as well as the provision of clean drinking water, electricity and natural gas to the population

ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИК ТАДКИКОТЛАРДА АХОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИ КАТЕГОРИЯСИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Х.А.Облақулов – география фанлари бўйича фалсафа доктори
Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: турмуш тарзи, турмуш сифати, турмуш даражаси, турмуш шароити, кундалик ҳаёти, ҳўжалик фаолияти.

Ключевые слова: образ жизни, качество жизни, уровень жизни, условия жизни, повседневная жизнь, экономическая деятельность.

Key words: lifestyle, quality of life, standard of living, living conditions, daily life, economic activity.

Инсоният таракқиёти асрлар давомида турли хил фанлар ва уларнинг ютуқлари асосида шаклланиб, ривож топиб келган. Шу нуктаи назардан фанлар тизимида география фани ҳам ўз мавқеига эга ва унинг ривожига кўплаб янги-янги тадқиқот ва изланишлар бўлиши табиий. Хусусан, кейинги йилларда мустақил республикамизда анъанавий иқтисодий географиянинг ижтимоий ва унинг кенг маънодаги ижтимоий география фанига айланиши юз бермоқдаки, бу албатта, ижобий жараёндир.

"Турмуш тарзи" атамаси кўпинча фалсафа, социология ва бошқа фан вакиллари, жумладан географлар томонидан кенг қўлланилади. У фундаментал ижтимоий-фалсафий тушунчалар каторига киради ва инсонлар ҳаётининг энг умумий хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир, шунинг учун ҳам у илмий муомала ва кундалик мулоқотимизда турли маънода қўлланилади.

Аҳолининг турмуш тарзи инсоннинг кундалик ҳаёт кечиришини ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи унинг яшаётган табиий ва техноген муҳити, ҳўжалик машғулотлари, турмуш даражаси, этник маданияти (яъни, миллий урф одатлари, қадриятлари, анъаналари), диний қадриятларига боғлиқдир.

Тадқиқотчилар томонидан "турмуш тарзи" тушунчаси турлича таърифланган. Хусусан, Г.Е.Глезерманнинг фикрига кўра, турмуш тарзи жамият, миллат, ижтимоий гуруҳ ва индивидларнинг

маълум бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланган ҳаёт тарзи ва ҳаёт фаолиятига оид энг муҳим белгиларни ифода этади [5:282-283]. Бунда муаллиф ўз тадқиқотида ижтимоий гуруҳ деганда, асосан, деҳқон ва ишчилар синфларини назарда тутган.

Таниқли социолог И.В.Бестужев-Лада ўз асарларида турмуш тарзини ўзига хос бўлган инсон ҳаёти, шахси, яшаш муҳити, оиласи, маданий қизиқишлари билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида таърифлайди [3:14]. Олим турмуш тарзига ижтимоий-сиёсий тузум таъсири борлигини таъкидлайди, бинобарин, ижтимоий турмуш тарзи турли тузумлардаги турмуш тарзи маънавий ва маданий жиҳатдан фарқ қилишини эътироф этади. Шунингдек, олим "турмуш тарзи" категорияси борасида "етук ва ниҳоясига етган тамойил ёки моделлар ҳанузгача кашф этилмаган", деган хулосага келган [2:4].

Файласуф В. Толстихнинг фикрига кўра, аҳоли турмуш тарзи кишиларнинг индивидуал ва рухий ҳаётини фаолиятини ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категориядир [8:27].

Иқтисодчи Л.Капустин турмуш тарзининг атрибути ижтимоий-иқтисодий қимматга эга бўлган уй-жой, асбоб-ускуналар, яшаш шарт-шароитлари эканини эътироф этади ва турмуш тарзи тушунчасини ижтимоий-иқтисодий категория, деб таъкидлайди [6:19-26].

Т.Абдуллаевнинг илмий тадқиқотларида турмуш тарзи инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини

кондириш, уларнинг структураси ва ривожланиш динамикаси, миллий ва умуминсоний кадриятлар, кундалик ҳаёти, меҳнат фаолияти, оилавий алоқалар, хулқ-атвор меъёрларини ҳам ўз ичига олган тушунча сифатида қўлланилган [1].

Тадқиқотчи П.Т.Худайбергенова турмуш тарзини маълум бир ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган этномаданий хусусиятларга эга бўлган кишиларнинг яшаш, турмуш кечириш, ўз ҳаётини ўзи ташкил қилиш усули, деб таърифлайди [9:25]. Бунда тадқиқотчи миллий турмуш тарзининг этномаданий генезиси, социодинамик хусусиятларига кўпроқ эътибор қаратади.

Россиялик ижтимоий географ Н.А.Щитова турмуш тарзи - бу асосий инсоний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, маълум маданий-тарихий шароитда ривожланган, ҳар куни такрорланиб борадиган шахслар фаолиятини ташкил этишнинг энг типик тизими, деб таъриф беради [10:14]. “Турмуш тарзи” тушунчаси таърифида изчиллик, маданий-тарихийлик, ўзига хослик ҳамда фаолият ва эҳтиёжлар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади.

Н.Н.Клинованинг фикрича эса, турмуш тарзи кундалик ҳаётда, меҳнатда, ижтимоий-сиёсий соҳада ҳамда дам олиш ва маданий-маърифий кадриятларни истеъмол қилишда инсонларнинг ҳаётини фаолиятида доимо қўлланиладиган усулларни ифода этади [8]. Муаллиф турмуш тарзига аҳолининг дам олиши, маънавий кадриятларининг сифат жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратган. Бу ерда олима турмуш тарзига эмас, турмуш сифати тушунчасига кўпроқ урғу беради.

Юқорида келтирилган “турмуш тарзи” тушунчасига берилган таърифларни ўзаро таққослаб ва асосий жиҳатларини умумлаштирган ҳолда, унинг қуйидагича таърифини шакллантирдик:

Турмуш тарзи, комплекс ижтимоий категория бўлиб, аҳолининг меҳнат ва хўжалик фаолияти, кундалик турмушидаги хулқ-атвори, дам олиш усуллари, маданий урф-одат ва анъаналарининг тарихан шаклланган ҳамда ўзгариб борадиган одатий ҳолатидир.


Турмуш тарзи кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлиб, у бир қатор таркибий элементлар бирикмасини ўз ичига олади (1.1-расмга қаранг).



1.1-расм. Турмуш тарзи элементлари
(Расм муаллиф томонидан ишланган)

Демак, турмуш тарзи инсон ҳаётининг ранг-баранг жабҳаларини ифода этувчи ижтимоий ҳодисадир. Шу боис ҳам, турмуш тарзи, бир томондан, инсон ҳаёти ва фаолиятининг микдорий ва сифат кўрсаткичларини ифодаласа, иккинчи томондан, хўжалик ва меҳнат усуллари бирлигини ифодалайди.

Турмуш тарзи структураси кишиларнинг яшаш учун керакли бўлган маблағни топиш (тирикчилик) усуллари, кундалик турмуш тарзини ташкиллаштириш усуллари, дам олишни ташкиллаштириш усуллари ҳамда эҳтиёжларни қондириш усулларида иборат (1.2-расмга қаранг).



1.2-расм. Турмуш тарзи ифода топадиган ҳаракатлар ва уларга таъсир этувчи асосий омиллар
(Расм муаллиф томонидан ишланган)

Турмуш тарзини, биринчи навбатда, инсон яшаш учун зарур бўлган маблағларга эга бўлиш усуллари белгилайди. Кўпинча бу меҳнат фаолияти орқали амалга оширилади. Бугунги кунга келиб, меҳнат фаолияти улкан ўзгаришларга дуч келмоқда. Хусусан, мамлакатимизда 1990-йиллар бошигача давлат корхоналаридаги маълум белгиланган иш ҳақи асосий даромад манбаи ҳисобланган бўлса, ҳозирда бошқа усуллар билан даромад топадиган ижтимоий гуруҳлар ҳам шаклланган. Аҳолининг маълум қисми учун шахсий томорқа хўжалиги муҳим даромад манбаи бўлса, бошқалар учун кичик чакана савдо билан шуғулланиш, ёлланма ишчи бўлиб ишлаш, ҳар хил хизматлар кўрсатиш ва бошқа фаолият турлари моддий таъминотнинг асоси ҳисобланади. Кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик иқтисодий фаолиятнинг янги турларига айланди, натижада, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда янги, ўзини-ўзи иш билан таъминлаш концепцияси пайдо бўлди. Шу билан бирга, ҳар хил турдаги ижтимоий ва хайрия тўловлари, нафақалар айрим оилаларнинг даромадлари таркибида муҳим ўрин эгаллайди. Инсон пул ишлашнинг бир неча усулларини бирлаштириши мумкин, аммо ҳар доим унинг турмуш тарзини белгилайдиган етакчиси ажралиб туради.

Турмуш тарзининг иккинчи муҳим соҳаси инсоннинг ўзи ва унинг оила аъзолари учун озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, даволаниш, таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ. Бунда болаларни тарбиялашга ва оилавий мажбуриятларни бажаришга қаратилган репродуктив хатти-ҳаракатларнинг турли шакллари табиий равишда бир-бирига боғланган. Инсонлар уй вазибаларини ўз зиммаларига оладилар, уларни оила аъзолари ўртасида тақсимлайдилар ёки бошқа шахслар ва ихтисослашган корхоналар хизматларидан фойдаланадилар.

Учинчи блокда инсоннинг jismoniy ва маънавий қудратини тиклаш билан боғлиқ бўлмаган кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш йўллари акс эттирилган. Шунингдек, рекреацион фаолият, турли хил дам олиш, кўнгилочар машғуллотлар, спорт, туризм турларини ўз ичига олади.

Маънавий ҳаёт соҳаси ижтимоий, сиёсий, маданий, диний, экологик фаолиятни бирлаштиради ва у инсоннинг маънавий ва ахлоқий моҳиятини ривожлантиришдаги эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ. Ушбу блок ўзининг меҳнатини сотиш зарурати ва моддий қизиқишлардан ҳоли бўлган фаолиятни ўз ичига олади.

Турмуш тарзи тушунчасининг мазмунини тўлароқ идрок этишда у билан ўзаро боғлиқ бўлган “турмуш даражаси”, “турмуш сифати”, “турмуш шароити” каби категорияларнинг мазмунини аниқлаб олиш зарур (1.3-расмга қаранг).

“Турмуш даражаси” тушунчаси аҳолининг моддий эҳтиёж ва талаблари қай даражада қондирилганлигига баҳо беришда қўлланилади. У аниқ иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, ойлик иш ҳақи, пенсия миқдори, киши бошига ўртача тўғри келадиган истеъмол қилинадиган товар ва хизматларнинг миқдори, кишиларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, соғлиқни сақлаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши каби кўрсаткичларни ўз ичига олади.



1.3-расм. Турмуш тарзи ва унга турдош бўлган тушунчаларнинг мазмун-моҳияти (Расм муаллиф томонидан ишланган)

Турмуш тарзи ва турмуш даражаси ажралмас алоқада бўлиб, ижтимоий борлиқнинг турли жиҳатларини ҳамда сифат ва миқдорий хусусиятларини акс эттиради. Турмуш даражаси турмуш тарзининг миқдорий асосидир. Шу билан бирга, турмуш тарзининг бундай таркибий қисмини истеъмол сифатида тавсифлашда турмуш тарзининг сифатли томонини кўриб чиқиш муҳимдир.

“Турмуш сифати” тушунчаси аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирилганлиги сифати, унинг маълум намуналарга (стандартларга) мос

келишини ифодаловчи ижтимоий категориядир. Турмуш сифати бевосита миқдорий ўлчаш имкони бўлмаган талаб ва эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини кўрсатади. Овқатланиш, кийим-кечак, соғлиқни сақлаш сифати, уй-жой қулайлиги, умуман, атроф-муҳитнинг ҳолати, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳолати, меҳнат ва дам олишнинг мазмуни, ўзаро мулоқот, билимлар, ижтимоий соҳалардаги эҳтиёжларнинг қондирилиши кабилар турмуш сифати кўрсаткичлари жумласига киради [4:57]. Турмуш сифати”, аниқроқ қилиб айтганда, турмуш тарзининг сифатли томони, энг аввало, “ижтимоий эркинлик даражаси ҳамда шахснинг камол топиши шарт-шароитларида унинг маънавий ва маданий бойликлари ифодалади” [4:60].

“Турмуш шароити” тушунчаси “атроф-муҳит” тушунчасига жуда яқин агарда, у атроф-муҳитни шакллантириш учун зарур бўлган ҳамоҳанг, элемент ва омиллар мажмуаси сифатида талқин этилса ва айни пайтда аҳолининг соғлом ва яхши ҳаёт кечириши учун замин яратади. Турмуш шароит, табиийки, инсонлар фаолиятини белгилашда муҳим ўрин тутди. Турмуш шароити инсонлар ҳатти-ҳаракатини тартибга солишида таъсир ўтказиб туради. Бироқ кишилар фаолиятига таъсир кўрсатадиган табиий ва ижтимоий шарт-шароитларнинг барчасини механик равишда турмуш шароитга киритиш мувофиқ эмас. Чунки турмуш шароити тушунчаси тизимли хусусиятга эга бўлган, таркибан тугалланмаган жиҳатлар йиғиндисидир. Турмуш шароити бутун табиий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий муҳит ифодасидир [11].

Шундай экан, турмуш тарзи инсоннинг кундалик ҳаётидаги турли мақсадларга қаратилган фаолиятини ифодаласа, турмуш шароити кишиларнинг яшаш муҳитининг ҳолатини акс эттиради. Ўз навбатида, турмуш даражаси деганда, кишилар эҳтиёжларининг моддий жиҳатдан қондирилганлик ҳолати тушунилса, турмуш сифати эса аҳоли турмушининг моддий ва маънавий жиҳатларини узвий боғлиқ равишда баҳоланишини, уларнинг маълум стандартларга мос ёки мос эмаслигини аниқлашни назарда тутди.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Т.У. Национальное и интернациональное в сфере быта. – Т.: “Фан”, 1991. –С. 173.
2. Бестужев-Лада И.В. Методологические проблемы измерения и моделирования образа жизни. // Проблемы измерения и моделирования образа жизни. - М.: 1978. - С. 4-5.
3. Бестужев-Лада И.В. Образ жизни как философско-социологическая категория. // Слово лектора. 1975. №3. - С. 14-19.
4. Бестужев-Лада И.В. Проблемы и черты образа жизни. – М.: “Мысль”, 1977. – С. 22-57.
5. Глезерман Г.Е. Исторический материализм и развитие социалистического общества. – М.: Политиздат, 1973. –С. 352.
6. Капустин Л. Социалистический образ жизни как социально-экономическая категория. // Вопросы экономики 1997. №12. - С. 19-26.
7. Ковалёв С., Ташбеков Э., Валиева Р. География сельского населения и населённых пунктов Самаркандской и Бухарской областей. - Т.: Изд-во АН УзССР, 1962. –С. 184.
8. Толстых В.И. Образ жизни. Понятие. Реальность. Проблемы. - М.: “Мысль”, 1975. –С. 184.
9. Худайберганава П.Т. Миллий турмуш тарзи, унинг мустикаллик йилларида тараққий хусусиятлари. Фал. фан. ном. ... дис. – Т.: 2005. 169-б.
10. Щитова Н.А. География образа жизни: теория и практика регионального исследования. Дис. док. геогр. наук. – М.: 2005. –С. 324.
11. Юлдашева Г.К. Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари. Тарих фан. ном. ... дис. - Т.: 1995. 146-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада аҳоли турмуш тарзининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш шакллари кўп ҳолатда уларнинг турмуши, меҳнати, соғлиги ва ҳатто хулқ-атвори сингари бир қанча жиҳатлар билан ифодаланиши кўрсатиб ўтилган. Аҳоли турмуш тарзи билан бевосита илмий изланишлар олиб борган узок хориж ва рус олимларининг, шунингдек Ўрта Осиёда яшаб, ижод қилган алломаларнинг бу хусусдаги қарашлари таҳлил этилган ва шу асосда муаллифларнинг ўз фикрлари ҳам ёритиб берилган. Шунингдек, турмуш тарзи ва унга турдош бўлган тушунчаларнинг фарқли жиҳатларини ҳамда мазмун-моҳияти ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье показано, что сущность и формы проявления образа жизни населения выражаются в нескольких аспектах, таких как их быт, труд, здоровье и даже поведение. Проанализированы взгляды зарубежных и российских учёных, непосредственно проводивших научные исследования об образе жизни населения, а также учёных, живших и работавших в Средней Азии, а также на этой основе выделено собственное мнение авторов. Также объясняются различные аспекты и сущность образа жизни и связанных с ним понятий.

SUMMARY. In the article, it is shown that the essence and forms of manifestation of the population's lifestyle, in many cases it is expressed by several aspects, such as their life, work, health and even behavior. The views of foreign and Russian scientists who directly conducted scientific research on the lifestyle of the population, as well as scholars who lived and worked in Central Asia, were analyzed, and the authors' own opinions were also highlighted on this basis. Also, different aspects and essence of lifestyle and related concepts are explained.